



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 18 октябрь, № 216 (7174)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАШҚИ БОЗОРЛАРГА ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакат экспорт салоҳиятини кенгайтириш, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортининг тўлақонли ривожига тўқинлик қилаётган фовларни бартараф этиш, экспорт фаолиятининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини такомиллаштириш, шунингдек, маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқаришнинг комплекс тизимини ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг қўйидаги тартибни белгилаш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин:

юридик шахслар — мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчилари **мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини дастлабки тўловсиз, аккредитив очмасдан, банк қафолатини расмийлаштирмасдан ҳамда экспорт шартномасини сиёсий ва тижорат хавфларидан суғурта полисисиз** амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар;

юридик шахслар — мева-сабзавот маҳсулотлари экспортдан тушумларни ўз вақтида таъминламаган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчилари мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишда 100 фоизлик олдидан тўлов олиш талаблари уларга қўланган ҳолда **ноҳаюл мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчилар реестрига** киритиладилар;

тадбиркорлик субъектлари улгуржи савдо қилиш лицензиясига эга бўлмасдан мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Бунда яқка тартибдаги тадбиркорларнинг мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт тушумларига ягона солиқ тўлови тўланишини назарда тутувчи солиққа тортиш тартиби қўлланилади;

экспорт қилинадиган мева-сабзавот маҳсулотлари божхона кўригидан ўтказилмайдиган, божхона қонун ҳужжатлари бўзилиши хавфи белгилари аниқланган ҳолатлар бундан мустасно. Бунда ҳужжатларда мавжуд маълумотларнинг ишончлилиги, шунингдек, товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ноконуний олиб ўтиш учун экспорт қилувчи жавобгардир;

тадбиркорлик субъектлари ўзларига ажратилган ер участкаларида мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита уларни етиштириш жойларида суғориш, тайёрлаш ва сақлаш бўйича инфратузилма объектлари қуриш учун енгил конструкцияларни қуриш юзасидан қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишлари мумкин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Тадбиркорлик субъектларига ажратилган ер участкаларида мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита уларни етиштириш жойларида суғориш, тайёрлаш ва сақлаш бўйича инфратузилма объектлари қуриш учун енгил конструкцияларни қуриш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар муддатда мазкур қарорнинг 1-банди талабларини ҳисобга олган ҳолда Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими такомиллаштирилишини таъминласин.

3. Белгилансинки, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчилари ваколатли давлат органларига товар-йўл ҳужжатларидаги мева-сабзавот маҳсулотлари бўйича ҳақиқатда амалга оширилган экспорт операциялари юзасидан ишончли маълумотлар тақдим этганликлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспортдан тушадиган тушумлар муддатларини бузганликлари учун жавобгардирлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигига қўйидаги қўшимча функциялар юклатилсин:

мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш;

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон — Россия: дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари жадал ривожланиб бормоқда



Россиялик экспертлар:

«МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ГЕОСИЁСИЙ ВАЗИЯТ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДАДИЛ ҚАДАМИ БИЛАН МУТЛАҚО ЯНГИЧА ТУС КАСБ ЭТМОҚДА»

Мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона ички ҳамда ташқи сиёсат самаралари Россия матбуоти ва экспертларининг ҳам юксак эътирофига сазовор бўлмоқда.

Президент Владимир Путиннинг юртимизга давлат ташрифи арафасида ушбу мамлакат сиёсий доиралари, экспертлар ва оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон мавзусига янада кенгроқ эътибор қаратяпти.

Россия Федерацияси Президенти-нинг ёрдамчиси Юрий Ушаков маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда Россия ва Ўзбекистон товар айирбошлаш ҳажмини жорий йилнинг ўзида 5 миллиард долларга етказиши мумкинлигини айтган.

Ю. Ушаковнинг фикрича, ушбу кўрсаткичга эришиш учун томонлар барча имкониятга эга. Президент ёрдамчиси 2018 йилнинг етти ойи мобайнида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2017 йилнинг шу давридагига нисбатан 32 фоиз ортганини қайд этиб ўтди.

Ўзбекистон ва Россия Президентларининг кутилаётган учрашувиغا тўхталар экан, расмий вакил икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий

ҳамкорликни ривожлантириш бўйича янги механизм ташкил этилишини алоҳида таъкидлади. Ушбу механизм Ҳамкорлик бўйича қўшма комиссия кўринишида шакллантирилиб, унга икки давлат Бош вазирлари раҳбарлик қилади.

Олий даражадаги музокараларда муҳокама қилинадиган мавзулар орасида Афғонистондаги вазият ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилди. Имзоланиши кутилаётган идоралараро, ҳукуматлараро ва тижорий ҳужжатлар Ўзбекистон — Россия алоқаларининг янги амалий мазмун билан бойишига хизмат қилади.

Ю. Ушаковнинг маълум қилишича,



икки мамлакат раҳбарлари иштирокида қурилишига тантанали старт берилиши кутилаётган атом электр станциясининг қиймати 11 миллиард АҚШ долларига яқин бўлиб, биринчи энергоблок 2028 йили ишга туширилиши мўлжалланган.



«Московский комсомолец» газетасида Россиянинг Марказий Осиё сиёсатида Ўзбекистон ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётгани қайд этилади.

“Ўзбекистон минтақа давлатлари орасида иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича энг юқори кўрсаткичга эришмоқда. Табиийки, ушбу мамлакатга деярли барча хориж давлатлари катта қизиқиш билдирыпти. Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил май ойида Вашингтонга муваффақиятли ташрифини

амалга оширди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки кўп миллиардлик сармоявий лойиҳаларни тасдиқлади, ноябрь ойида кутилаётган Инвестицион форум эса Ўзбекистон бозори учун бошланган рақобат майдонига айланади”, деб ёзади газета шарҳловчиси Сергей Вальченко.

Ташрифни 300 га яқин ОАВ вакиллари ёритади

Кулайлик

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг мамлакатимизга давлат ташрифи, шунингдек, унинг доирасида ўтказиладиган тадбирлар маҳаллий ҳамда хорижий оммавий ахборот воситаларида тезкор ва атрафлича ёритилишини таъминлаш мақсадида “Ўзэкспомарказ”да Матбуот маркази ташкил этилди.



Бу ерда журналистлар учун замонавий техник ускуналар, тезкор интернет алоқаси ҳамда бошқа зарур шароитлар яратилди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тақдим қилган маълумотга кўра, ушбу ташриф ҳамда унинг доирасидаги тадбирларни ёритиш учун Россия Федерациясидан 27 та оммавий ахборот воситасининг юзга яқин журналистлари ҳамда техник ходимлари қатнашиши кутилмоқда. Ўз навбатида, Россия Федерациясидан 10 та губернаторлиқнинг Ахборот хизмати вакиллари иштирақ этиш истагини билдирган бўлса, мамлакатимизда доимий аккредитациядан ўтган 31 нафар хорижлик журналист ҳам мазкур жараёнлар ҳақида материаллар тайёрлайди.

Бундан ташқари, маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг 150 га яқин вакиллари ҳам тадбирларни ёритишда бевосита қатнашади.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ.



Инвестициявий алоқалар ривожини истиқболлари

Тошкент шахрида бўлиб ўтаётган VIII Марказий Осиё савдо форумида муҳокама қилинмоқда

Ўзбекистонда биринчи бор ўтказилаётган мазкур нуфузли анжуман нафақат минтақа, балки яқин ва олис хорижий давлатлар ишбилармон доиралари учун муҳим мулоқот майдонидир. Зеро, унинг доирасида Марказий Осиёнинг ривожланаётган бозорлари имкониятлари билан танишиш баробарида, ўзаро тажриба алмашиш, ҳамкорлик ришталарини боғлаш, энг муҳими, тўғридан-тўғри шартномалар тузиш мумкин.

ҲАМКОРЛИК

АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган бу йилги форумда АҚШ, Европа, Мар-

казий ва Жанубий Осиё мамлакатларидан 1000 дан зиёд давлат ва хусусий бизнес вакиллари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари қатнашмоқда.

Форумнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Нодир Отажонов, АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси муваққат ишлари вакили Алан Мельцер ва бошқалар таъкидлаганидек, минтақа давлатларининг савдо-инвестициявий алоқалари ривожланишида Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон муҳим роль ўйнамоқда. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан прагматик ташқи сиёсат юритилаётгани, айниқса, қўшни давлатлар билан очик ва дўстона муносабатлар ўрнатилгани интеграция-

нинг чуқурлашуви, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ошишида мисли кўрилган имкониятларни тақдим этаётир.

— Мамлакатимиз учун Марказий Осиё давлатларига инвестиция киритиш, савдо-иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш стратегик аҳамиятга эга, — дейди АҚШнинг Савдо ваколатхонаси раҳбари ўринбосари Марк Линскотт. — Айниқса, минтақа локомотивига айланаётган Ўзбекистон билан муносабатларни чуқурлаштиришдан манфаатдормиз.

Депутат фикри

Тез тиббий ёрдам хизмати:

ИМКОНИАТЛАР ТЎЛА-ТЎКИС ИШГА СОЛИНАДИ

Аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ва самарадорлигини ошириш борасида бугун муайян ўзгаришлар кузатишмоқда. Бу, ўз навбатида, соғлиқни сақлаш тизимининг шошилини ва тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятига ҳам тааллуқли. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳар бир маъруза ва нутқида, учрашуларда халқимизни

рози қилиш учун, энг аввало, сифатли тиббий хизматга бўлган талабни қондириш ниҳоятда зарурлигини, бунинг учун соҳани тубдан ислоҳ қилиш, мавжуд имкониятларни тўла-тўқис ишга солиш лозимлигини таъкидлайди.

Тез тиббий ёрдам хизмати соғлиқни сақлаш тизимида муҳим ўринни эгаллайди.

